D. Rasulova

History of formation and development of Oriental schools in France (16th – beginning 20th centuries)

This article highlights the history of the formation and development of Oriental schools in France in the 16th – beginning 20th centuries. The author analyzes the methodology of the activities of these schools in the study of history, geography, culture, languages, religion and the art of the East. And also the article highlights the process of research in scientific centers, study of the language, search for sources, their study and translation.

Key words: *East, Central Asia, orientalism, oriental schools, historiography, source study, French oriental studies, studies, history, ethnography, culture, religion, art, external relations.*

А. Бобожонов

Шарқ қўлёзмаларининг баъзи таркибий қисмлари ва уларни сақлашдаги ахлоқий меъёрлар (қўлёзмалар муқовасининг таъмири мисолида)

Ёзма ёдгорликлар ўзида нафақат ўтмишга оид ахборотларни жамлаганлиги билан, балки кейинги авлодларга маънавий-маданий, бадиий, техник ва тарихий қадриятларни етказувчи восита сифатида ҳам қадрлидир. Шу сабабли, қўлёзма ва тошбосма асарлар каби ноёб объектлар билан ишлаганда ҳужжатларнинг қадимий таркибини максимал даражада сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Қадимий қўлёзмалар билан ишловчи реставратор-консерваторларнинг асосий вазифаси консервация ишларини амалга ошириш билан бирга кодиколог тадқиқотчилар учун зарур бўлган маълумотларни ҳам сақлаб қолишга интилишдир.

Турли даврларда турли миллатлар томонидан муомалага киритилган муқованинг конструктив жиҳатлари ва муқова ясаш техникасининг ўзига хослиги ҳақидаги маълумотлар албатта қимматлидир. Аммо турли халқларнинг китобат техникасига қўшган улушини чегаралаш осон иш эмас. Зеро, ҳар бир миллатнинг муқовачилик санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳар хил бўлиб, муқовасозларнинг бирлари ўз техникалари асосида иш юритган бўлсалар, иккинчилари бошқа усталар ютуқларидан фойдаланган.

Ўрам шаклидаги китобнинг варақли шаклга ўзгариши оқибатида муқова китобнинг ажралмас таркибий қисми сифатида шаклланди. Марказий Осиёда эса, муқова илк ўрта асрларда пайдо бўлди. Ўша даврнинг саҳҳофлари бу ҳудуднинг биринчи хаттот ва миниатюрачи-рассомларидан бўлган монийлар [1] эди. Монийлар орасида сўғд, хоразмий ва турк миллатлари вакиллари ҳам кўп бўлган. 1905 йили археологик қазишмалар вақтида Шарқий Туркистонда жойлашган қадимий шаҳар вайроналаридан топилган монийларга оид иккита муқова қолдиқлари мутахассислар томонидан VI–IX асрларга тааллуқли деб баҳоланган [2: 197]. Топилмалардаги геометрик ва ўсимликсимон нақшлар, совуқ услубда зарб қилинган безаклар илк ўрта асрларда Марказий Осиё заминида муқовачилик ишлари сезиларли даражада ривожланганлигига далолат қилади.

Араб маданияти кириб келишлиги билан Турон китобининг ички ва ташқи кўринишида араб китобатининг ҳам таъсири билинди. Китоблар муқоваси декорида митти ускуналар ёрдамида туширилган ингичка, унчалик ботиқ бўлмаган чизиқлар билан ажратилган содда геометрик безаклар ва мавҳум шаклли нақшлар муомалага кирди. Исломий китобларнинг классик услубига далолат қилувчи асосий элемент – китоб жузвларини беркитиб турувчи қўшимча ён қопқоқли[2] (fore-edge flap), яъни қопқоқли муқовалар пайдо бўлди.

Марказий Осиё бадиий муқовачилиги тарихида XV–XIX асрлар янги, асосий давр бўлди. XV–XVI асрларда нафақат муқовачилик соҳасида, балки қўлёзманинг ҳар бир элементининг безагида тубдан ўзгаришлар вужудга келди ва Марказий Осиё китобат санъатида келгуси юз йилликларга татигулик янги услуб дунё юзини кўрди. XIV–XV асрларда Самарқанд ва Бухоро усталари муқовачилик техникасини такомиллаштирдилар, бу соҳага янги материаллар кириб келди, муқовалар турли оригинал безаклар, бадиий ижролар билан бойиди. Муқова сиртини қоплашда Ғарб анъанасига хос қимматбаҳо материаллар ишлатила бошланди ва ярми чармдан қопланган

[1] Монийлик – III асрда Эронда вужудга келган дин. Асосчиси Моний ибн Фатак (тахм. 216–тахм. 277). Монийликда зардуштийлик ва христианлик ғоялари мавжуд бўлган. Монийлик дунёнинг кўп мамлакатларига тарқалган, VIII–IX асрларда ислом тарафдорларининг таъқибига учраган. Бу ҳақда қаранг: [7: 74].

[2] Исломий муқоваларни таниб олишнинг уч тури мавжуд бўлиб, VIII–XII аср қўлёзмаларида топилган “ёғоч муқова” («box bindings») деб аталмиш гуруҳ I, “Муқованинг китоб жузларини беркитиб турувчи қўшимча қопқоқга эга” («fore-edge flap») тоифадаги муқовалар кирадиган гуруҳ II ва “Муқованинг китоб жузвларини беркитиб турувчи қўшимча қопқоғига эга бўлмаган” исломий муқова гуруҳи III турга киритилган. Қаранг: [3: 106–110; 5: 104].

муқовалар билан бир қаторда, нақшлар билан безатилган қоғоз муқовалар ҳам пайдо бўлди.

Реставратор-консерваторлар қўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш жараёнида бошқа тадқиқотчилар кўзидан яширинган китобларнинг таркибий қисмларини кўриш имкониятига эгалар. Шундай экан, бу ўзига хосликларни тўғри баҳолаш, тавсифлаш, суратга ва рўйхатга олиш жуда муҳим. Муқова қопқоқлари формаси, уларнинг ўлчами ва конфигурацияси, турли тарихий-географик муҳитда бажарилган мустаҳкамлаш усуллари, муқовачилик санъатининг техник-бадиий хусусиятларининг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, булар китобат тарихини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.

Манбадан фойдаланиш, уни тадқиқ қилиш, сақлаш ва реставрация қилиш жараёнида қўлёзма муқовасига тегишли бирон-бир элементнинг йўқотилиши ёки зарарланишига йўл қўйиш мумкин эмас. Аслида арзимас бўлакдек кўринган детал жуда муҳим тарихий маълумотга далолат қилиши мумкин.

Реставрация жараёнида китобнинг аслиятига зарар етказмаслик учун эса қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

1. Китобнинг тикув усули (яъни жузвларни қавиш). Шарқ муқовачилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири қавиш ишлари бўлиб, китоб жузвлари бир-бирига турли материаллар ёрдамида, турли усуллар билан бирлаштирилган. Қавиш ишлари зиғир толали, кўпинча эса ипак иплар ёрдамида бажарилган [8: 46]. Марказий Осиё қўлёзмаларида ҳам Шарқ қўлёзмалари учун характерли бўлган икки нуқтадан қавилган занжирсимон тикув усули кузатилади. Шарқшунослик институти фондида ҳам бир нечта нуқтадан тикилган тузилишга эга китоблар мавжуд. Аниқ бир даврга хос маълум бир қавиш усуллари китоб муқовасининг тайёрланиш вақти ва жойини аниқлашга ёрдам беради. Аммо бир вақтнинг ўзида бир неча усулларнинг қўлланилганини ҳисобга олсак, аниқ бир классификация мавжуд эмас. Шунинг учун реставратордан талаб қилинадиган асосий мажбуриятлардан бири – ҳар бир таъмирланган китобнинг қавилиш усулини аниқлаб, уни иложи борича сақлаб қолиш ва ўзгартиришлар киритилган тақдирда уларни албатта рўйхатга олишдир.

2. Муқова қопқоғининг материал ва безаклари. Муқовалар бажарилиш техникаси нуқтаи назаридан турлича бўлиб, тузилиши ва ишлатилган материалларида бир-биридан фарқ қилган. Муқова қопқоғи аввал ёғочдан тайёрланиб, тери ёки мато билан қопланган. Шунингдек, юқори сифатли теридан ишланган соф чарм муқовалар ҳам бўлган. Тери ва матоли муқовалар қаторида ўрта асрлар мобайнида чинор дарахтидан тайёрланиб, ўймакор нақшлар билан безатилган ёғоч муқовалардан ҳам

фойдаланилган. XIV аср охирларига келиб картон[1] асосида тайёрланган муқовалар пайдо бўлди. Картон материали XV асрлардан бошлаб китобат марказларида кенг қўлланилди ва муқовачилик ишларида асосий ашё вазифасини бажарди. XVI асрда биринчи бор картон муқова устига тасвир солиниб локланган муқоваларни ясаш муомалага киритилди [2: 222]. Институтимиз реставраторлари фаолияти давомида фанердан қопқоқ ясалиб, усти чарм ёки қоғоз билан қопланган ҳамда лой ва жун аралашмасидан қуйилган муқова қопқоқларига ҳам дуч келганлар.

Муқованинг декоратив безаги ҳақида шуни айтиш мумкинки, исломий китоб муқовачилиги дастлабки босқичда Қибт услубининг кучли таъсирида шаклланди, аммо кейинчалик алоҳида бир услуб кўринишига келди [3: 105]. XV–XIX асрлар мобайнида Марказий Осиёда саҳҳофлар томонидан муқоваларни безатиш ишлари тараққий этиб борди. Муқовани бадиий безатишда бир қанча: чарм ёки картон асосига муҳр асбоб ёрдамида безак босиш; зарҳалланган ёки рангли фонда акс эттирилган нафис кесма безак билан безатиш; локли миниатюра технологияси бўйича безатиш; олтин ёки кумуш билан безатиш; ўймакорлик, иплар ёрдамида кашта тикиб безатиш каби техник усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, айнан XV асрда кейинги даврларда муқова безатишда кенг қўлланилган туркистонча услуб пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда қўлланилган муқова безатиш техникасининг турлари ва муқова ясашда фойдаланилган материалларни чуқур ўрганиш қўлёзманинг даврий ва ҳудудий чегараларини белгилашда, муқовани безатиш техникасини баҳолашда ҳамда муқовасозлик соҳаси ривожини тадқиқида қўл келади. Шунингдек, уларнинг фарқларини билиш ва ажрата олиш қўлёзма муқоваларига нисбатан амалга ошириладиган муолажаларни тўғри белгилашнинг гаровидир.

3. Клапан (fore-edge flap - муқованинг китоб жузвларини беркитиб турувчи қўшимча ён қопқоғи). XIII асрдан бошлаб исломий муқовачиликда китоб жузвларини беркитиб турувчи қўшимча ён қопқоқ муомалага киритилди. Мазкур муқова қопқоғи одатда муқованинг қуйи қопқоғига чарм ёрдамида, эгилувчан қилиб уланган бўлиб, муқованинг устки қопқоғига келиб тахланган. Шу билан у китобнинг матн блокини ёпиб турган ва муқовага қутича тусини берган. XVIII–XIX асрларга оид қўлёзмаларда эса кўпинча Ўрта Осиё муқовасозлигининг кейинги даврига

[1]Картон тайёрлашнинг икки усули мавжуд бўлиб, биринчи усул қоғознинг бир неча қатламини бир-бирига елимлаш йўли билан тайёрланган ва “мағзийи-сохта” (“Тайёрланган картон”) деб номланган. Иккинчи усулда тайёрланган картонга “мағзийи –рехта” (“Қуйилган картон”) дейилган бўлиб, у фойдаланилган қоғоз ва эски картон парчаларини майдалаб, суюқ холатка келтириш ва махсус формага қуйиш йўли билан олинган. Қаранг: [6: 487–488; 4: 322–323].

характерли – ён қопқоғи бўлмаган намуналар кузатилади. Муқоваларнинг мазкур кўринишларига қараб уларни қайси даврга тегишли эканини аниқлаш мумкин.

4. Китоб кесимидаги ёзувлар. Асар номини китобнинг ён кесимларига ёзиш исломий китобларга характерли бўлмаса-да, фондимиздаги китобларда шундай ёзувли нусхалар ҳам учраб туради. Тахминимизча, кейинги даврларга тааллуқли бундай ёзувларда одатда асар номи, айрим ҳолларда эса котибнинг исми ҳам акс этган бўлиб, улар китобнинг ён томонлари, яъни китоб жузвларининг юқори ва пастки кесими ёки олдинги кесув жойига ёзилган. Кўпинча қора ва қизил рангларда битилган ушбу ёзувлар безак вазифаси билан бирга информатив функцияни ҳам бажаради. Шу боисдан, уларни сақлаб қолиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бироқ алоҳида варақларни реставрация қилиш, айниқса уларни намланган ҳолатда прессга қўйиш оқибатида рўй берадиган ўзгаришлар (майдоннинг кенгайиши) жузвлар қавилганидан сўнг китоб кесимидаги ёзув шаклининг бузилишига олиб келади. Китоб жузвлари ва муқовани бузмасдан таъмирлаш реставраторлар учун таъмирлаш техникаси, вақт ва бошқа омиллар билан боғлиқ муайян ноқулайликлар келтириб чиқарса-да, китоб аслиятига минимал таъсир қилиш нуқтаи назаридан ўзини тўла оқлайди. Шу сабабли, реставратордан таъмирлаш амалиётини тўғри, иложи борича китоб жузвларини очиб ташламасдан, бузилиш жараёнларини тўхтатиш учун кифоя қиладиган даражадагина бажариши талаб қилинади. Бу нафақат китоб кесимида мавжуд ёзувли безакни, балки қўлёзманинг оригинал қавилиш усули ва муқованинг бошқа деталларини ҳам сақлаб қолинишига замин яратади.

5. Шероза. Матн блоки билан муқовани боғлаб турувчи мато ҳамда ҳар бир жузвнинг юқори ва қуйи четига рангли пахта ёки ипак иплар ёрдамида тўқиб чиқилган тасма – шероза матн блокини ҳимояловчи восита ва безак сифатида қўлланилган. Шерозаларнинг турли усуллар ёрдамида бажарилган бир неча хиллари мавжуд:

- бир хил рангдаги иплардан тикилган шерозалар;
- рангларни алмаштириб, шахматсимон шаклда тикилган шерозалар;
- зиг-загсимон шерозалар;
- ўримсимон шерозалар.

Шерозаларнинг нақшинкорлиги билан бирга конструктив жиҳатидан ҳам бир-биридан ажралиб туриши уларни ясалиш техникасида ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига далолат қилади.

6. Корешок (ён муқова)нинг ички ва ташқи тузилиши. Европа китобларининг муқовасидан фарқли ўлароқ, Шарқ муқоваларининг ён муқова қисми текис бўлиб, китоб варақлари ўлчами билан мос келган, яъни китоб жузвларининг четидан ўтиб кетмаган. Ён муқова одатда қизил, алвон ва қора рангли юмшоқ қўй ёки савра (махсус йўл билан ишлов берилган яшил, холчали хачир) терисидан тайёрланган. Илк ўрта аср ва Усмонийлар

даврига тааллуқли бир неча алоҳида камёб намуналарни ҳисобга олмаганда, исломий муқовачиликда ён муқовани безаш бўлмаган [3: 108]. Ён муқованинг юқори ва қуйи қисмларидан туртиб чиққан чармдан ишланган тилча – лахтак асосан сўнгги ўрта асрларга оид Ўрта Осиё қўлёзмаларида қўлланилган бўлиб, улар китобларни жавон токчаларидан олишда ушлагич вазифасини бажарган. Сўнгги давр форсий қўлёзмаларда туртиб чиққан чеккаси текис қилиб тайёрланган муқовалар топилган. Биздаги нусхаларда у декоратив усул билан ишланган. Корешокнинг ички ва ташқи тузилишидаги (текислиги, безак ишлатилган ёки ишлатилмагани, туртиб чиққан чеккасининг кўриниши, ички матосининг тури каби) ўзига хос жиҳатлари маълум бир тарихий даврда китобат санъати ривожига далолат қилади.

7. Форзац (муқова қопқоғининг ички қопламаси ва қўшимча варақлар). Китоб жузвларининг чекка дафтари ва муқова қопқоғининг ички томонини бир-бирига боғлаб турувчи, китобни мустаҳкамлаш ҳамда уни бадиий безатиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи детал (форзац) турли даврларда турли материаллардан ишланган. Форзацларни безатишда парча, мармар каби қоғозлар ва матодан фойдаланилган. Институт фондида форзацлари абру ва тилла ҳал билан бўялиб безатилган муқовали китоблар кўплаб учрайди. Бундай форзацларнинг ҳатто бир бўлаги ҳам безатиш методикасини ўрганишга, унинг келиб чиқиши ва тайёрланиш усулларининг тадқиқига хизмат қилиши мумкин.

Китобнинг боши ва охирида асар матнининг ҳимояси ва изоҳлар учун қолдирилган бўш варақлар (тахминан 1тадан 10тагача) ҳам форзац дейилиб, ўзининг функционал вазифасини тўлиқ бажармаган ҳолатларда ҳам уларни сақлаб қолиш лозим. Чунки форзац қоғозида мавжуд (қоғоз сузиб олингандаги тўр излари, Европа ва саноат қоғозларида кузатиладиган сув белгилари каби) кўриб туриб ажратиш мумкин бўлган қоғоз таркибий қисмининг унсурлари муқованинг тайёрланиш ёки унинг кейинги таъмирланиш вақтлари ҳақида қўшимча маълумот бериши мумкин. Ўз вазифасига кўра, китоб муқоваси ташқи муҳитнинг салбий таъсирларига биринчи бўлиб дуч келганлиги туфайли муқоваларнинг бир қисми бизгача таъмирланган ёки бошқасига алмаштирилган ҳолатда етиб келганлиги табиий. Лекин уларнинг орасида ҳам қайта муқоваланган даври ва ҳудуди, бадиий хусусиятлари билан эътибор қаратишимизга арзигулик нусхалар кўплаб учрайди.

8. Топилмалар. Реставрация жараёнида учраган бошқа кўринмас элементлар ҳам ҳужжатнинг китобати, осори атиқа “ҳаёти”нинг ҳудудий ва даврий чегараларини аниқлашга оид маълум бир фактларга ишора қилиши мумкин.

Хулоса шуки, реставрация ишига илмий ёндашув, билим, тайёргарлик ва тажриба, ҳар бир қадимий китобнинг таркибий қисмига оид жиҳатларини кўра билиш ҳамда тўғри баҳолаш, улар устида олиб бориладиган консервация амалиётларининг илмий принцип ва методлари масаласида малакага эга бўлиш профессионал реставраторга зарур ахлоқий меъёрлардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахунджанов Э.А. История книги в Туркестане. Челябинск, 2009.
2. Ахунджанов Э.А. Письменная и книжная культура Узбекистана. Древность. Средние века. Ташкент, 2015.
3. Белла Ди М. Исламский книжний переплет. Сокровищница восточных рукописей института востоковедения имени Абу Райхана Бируни Академии Наук Республики Узбекистан. Ташкент, 2012.
4. Казиев А.Ю. Художественное оформление Азербайджанской рукописной книги XIII–XVII веков. Москва, 1977.
5. Раҳмонқулова М. Ўрта Осиё китобат санъати тарихидан: Муқовасозлик. Тошкент, 2015.
6. Султанов Т.И. Среднеазиатская и восточнотуркестанская позднесредневековая рукописная книга. Рукописная книга в культуре народов востока. Книга первая. Москва, 1987.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 6. Тошкент, 2003.
8. Bosch G., Petherbridge G. The Materials, Techniques and Structures of Islamic Bookmaking. Bindings and Bookmaking. Chicago, 1981.

А. Бобожонов

Шарқ қўлёзмаларининг баъзи таркибий қисмлари ва уларни сақлашдаги ахлоқий меъёрлар
(қўлёзмалар муқовасининг таъмири мисолида)

Мақолада Марказий Осиёда китобат санъати, хусусан, муқовачиликнинг тарихи, унинг ривожланиш босқичлари ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга, қўлёзма китоблар муқоваларини таъмирлаш ва консервация қилишнинг асосий принциплари ёритилиб, бу қоидалар воситасида сақлаб қолинган манбалар кодикологик тадқиқотлар учун нечоғли зарур ашё эканлиги таърифланади.

Калит сўзлар: *Марказий Осиё, китобат тарихи, муқовасозлик, реставрация амалиёти, консервация асослари, кодикология.*

А. Бабаджанов

Некоторые структурные части восточных рукописей и этические нормы их сохранения (на примере реставрации переплета рукописных книг)

В статье идет речь об истории книжного искусства в Центральной Азии, в частности, об истории переплетного дела, об этапах его развития. Также, в статье рассказывается об основных принципах реставрации и консервации переплетов рукописей и о том, как сохраненные частицы этих источников могут служить важным материалом при кодикологических исследованиях.

Ключевые слова: *Центральная Азия, история книжного искусства, переплетное дело, реставрация, основы консервации, кодикология.*

A. Babadjanov

Some of the Oriental manuscripts and ethical principles of Hair their preservation (on the example of repair of the manuscript cover)

The article deals with the history of book art in Central Asia, in particular, the history of book covering and its development stages. It also describes the basic principles of the repair and preservation of the manuscripts as well as defines the imporatnce of those principles in codecological researches.

Key words: *Central Asia, history of book, cover art, restoration practice, conservation fundamentals, codicology.*